

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.12.2019.Fil/Ped.27.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**МАМАТҚУЛОВ ХУРШИД АБДУРАШИДОВИЧ**

**ХОРИЖИЙ ТИЛЛАР БЎЙИЧА ҲАРБИЙ ПЕДАГОГЛАР КАСБИЙ  
КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИЛМИЙ-  
УСЛУБИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси  
(инглиз тили)**

**Педагогика фанлари доктори (DSc) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2021**

**Педагогика фанлари доктори (DSc) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора (DSc)  
по педагогическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of (DSc)  
Pedagogical Sciences**

**Маматқулов Хуршид Абдурашидович**

Хорижий тиллар бўйича ҳарбий педагоглар касбий компетентлигини  
ривожлантиришнинг илмий-услубий асосларини такомиллаштириш..... 3

**Маматқулов Хуршид Абдурашидович**

Совершенствование научно-методических основ развития  
профессиональной компетентности военных педагогов по  
иностранным языкам..... 25

**Khurshid Abdurashidovich Mamatkulov**

Improving scientific-methodological basis of developing professional  
competence of military pedagogies in foreign languages..... 47

**Список опубликованных работ**

Эълон қилинган ишлар рўйхати  
List of published works..... 51

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.12.2019.Fil/Ped.27.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**МАМАТҚУЛОВ ХУРШИД АБДУРАШИДОВИЧ**

**ХОРИЖИЙ ТИЛЛАР БЎЙИЧА ҲАРБИЙ ПЕДАГОГЛАР КАСБИЙ  
КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИЛМИЙ-  
УСЛУБИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси  
(инглиз тили)**

**Педагогика фанлари доктори (DSc) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2021**

Фан доктори диссертацияси (DSc) мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Олий аттестация комиссиясида В2019.1.DSc/Ped834 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетига бажарилган.  
Диссертация автореферати учта тилда (рус, ўзбек, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси ([www.uzswlu.uz](http://www.uzswlu.uz)) ҳамда «Ziyoueb» ахборот-таълим порталига ([www.ziyoue.net](http://www.ziyoue.net)) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:	Бакиева Гуландом Хисамовна филология фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Тўхтасинов Илхомжон Мадаминович педагогика фанлари доктори, профессор Адизов Бахтиёр Рахмонович педагогика фанлари доктори, профессор Махмудов Абдухалим Хамидович педагогика фанлари доктори, доцент
Етакчи ташкилот:	Тошкент давлат педагогика университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ҳузуридаги DSc.03/30.13.2019.Fil/Ped.27.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «19» сентябр кuni соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100138, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Кичик Халка йўли, 21 А уй. Тел.: (99871) 230-12-91, факс: (998 71) 230-12-92; e-mail: [uzswlu\\_info@mail.ru](mailto:uzswlu_info@mail.ru).)

Диссертация билан Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (6 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100138, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Кичик халка йўли кўчаси, 21 А уй. тел: (99871) 230-12-91. факс (99871) 230-12-92.

Диссертация автореферати 2021 йил «30» сентябр кuni тарқатилди.  
(2021 «30» сентябр даги 6 рақамли реестр баённомаси)



Д.У. Хошимова  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
раиси в.б., пед.ф.доктори, профессор

Х.Б. Самигова  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, фил.ф.доктори, доцент

Л.Т. Ахмедова  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
кошидаги илмий семинар раиси,  
пед.ф.доктори, профессор

## КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон таълим муассасаларида малакали кадрлар тайёрлашда таълим ва фан соҳасида халқаро ҳамкорлик муносабатларининг чуқурлашиши ҳамда ахборот-коммуникация ва рақамли технологияларнинг жадал суръатлар билан ривожланиши ўзаро мулоқот воситаси сифатида хорижий тилларни ўрганишга бўлган эҳтиёжни янада кучайтирмоқда. Дунё тажрибасига кўра, ахборот-коммуникация технологиялари муҳитида ўқитишнинг илғор усуллари жорий этган ҳолда педагогларнинг хорижий тиллар бўйича билим, малака ва кўникмаларини ошириш ҳамда фан-технологияларнинг сўнгги ютуқларини таълим жараёнига татбиқ этиш долзарблик касб этади.

Жаҳон амалиётида педагогларнинг хорижий тиллар бўйича касбий компетентлигини ривожлантиришда таълим жараёнига ахборот-коммуникация технологияларини қўллашга доир инновацион фаолиятга йўналтирилган илмий изланишлар олиб борилмоқда. Хорижий тилларни ўқитишда педагогларнинг касбий коммуникатив компетентлигини ривожлантириш, глобаллашув шароитида инновация жараёнининг педагогик-психологик жиҳатлари, компетентли ёндашув нуқтаи назаридан педагогларда хорижий тил кўникмаларининг ривожланиш даражасини диагностика қилувчи технологияларни илмий асосланган ҳолда такомиллаштириш зарурияти пайдо бўлди.

Республикамызда сўнгги йиллар ичида ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида чет тилларини ўқитишга эътибор қаратилиб, бир қатор ислохотлар амалга оширилмоқда. «Замонавий ахборот коммуникация технологиялари ва чет тилларини чуқур ўзлаштирган кадрларни тайёрлашнинг юқори даражаси ва сифатини таъминлаш»<sup>1</sup> каби муҳим вазифалар белгиланди. Хорижий тажрибалар асосида чет тил ўқитишни ташкил қилиш, ўқувчиларда лингвистик ва социолингвистик компетенцияларни ривожлантиришнинг меъёрий асослари ва моддий техник базаси яратилди. Таълим муассасаларида инглиз тилини ўқитишда ҳарбий педагогларнинг касбий компетенцияларини ривожлантириш методикаси, тизими, лингводидактик таъминоти асосларини аниқлаштириш, репродуктив ва рецептив малакаларни мустақамловчи йўналишларда илмий тадқиқотларни амалга ошириш каби муҳим вазифалар белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2019 йил 27 августдаги ПФ-5789-сон «Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида»ги Фармонлари, 2012 йил 10 декабрдаги ПҚ-1875-сон «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 20 апрелдаги

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2019 йил 11 июлдаги «Олий ва ўрта махсус таълим соҳасида бошқарувни ислох қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4391-сон қарори. Электрон ресурс:<http://www.lex.uz>. (мурожат санаси: 08.12.2020)

ПҚ-2909-сон «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2019 йил 28 июндаги ПҚ-4375-сон «Ўсмирларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси қуролли кучлари ва давлат хизмати учун кадрлар захирасини тайёрлаш тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорларида шунингдек, мазкур соҳага тегишли бўлган бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда таълим сифатини таъминлашга доир белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация тадқиқоти республикада фан ва технологиялар тараққиётининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи<sup>2</sup>.** Педагоглар касбий компетентлигини ривожлантириш, хорижий тилларни ўрганишда таълим жараёнига ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш каби инновацион фаолиятга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий тадқиқот ва олий таълим муассасаларида, жумладан, Norwich Institute for language education, Leeds Metropolitan University, University of Westminster, Cambridge University (Буюк Британия), University of New South Wales, University of Canberra, Center Customs and Excise Training, (Австралия), Universite de la Sarbonne, Universite of Strasbourg (Франция), The University of Texas, Florida International University, Harvard University, Stanford University, University of Columbia (АҚШ), Institute named after Frica Bayer, University of Frayburg (Германия), Seoul University of Foreign Studies, Seoul Cyber University, Seoul National University (Жанубий Корея), Москва давлат университети (Россия) ва Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Жаҳон миқёсида, жумладан, куйидаги устувор йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда: хорижий тилларни ўқитишда коммуникатив методлар ва эркин мулоқот қилишни ривожлантиришнинг интеграллашган технологиялари ишлаб чиқилган (Norwich Institute for language education, University of Cambridge, Буюк Британия); глобаллашув шароитида инновация жараёнининг педогогик-психологик жиҳатлари асосланган (Harvard University, Stanford University, Америка Қўшма Штатлари); тингловчиларда танкидий тафаккурни ривожлантириш асосида рақобатбардош таълимнинг юксак даражасини таъминлайдиган «Smart-education» модели ишлаб чиқилган (Seoul Cyber University, SeoulNational University, Жанубий Корея); таълим муассасаларида тилни ўзлаштириш бўйича талабларнинг ягона тизими яратилган (The European Association for Quality Language Services,

---

<sup>2</sup>Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи [www.pushkin.institute](http://www.pushkin.institute), [www.vub.ac.be](http://www.vub.ac.be), [www.upf.edu/en/home](http://www.upf.edu/en/home), [www.ralk.info](http://www.ralk.info), [www.msu.ru](http://www.msu.ru), [www.ugr.es/en](http://www.ugr.es/en), [www.mq.edu.au/](http://www.mq.edu.au/), [www.uni-konstanz.de/en/](http://www.uni-konstanz.de/en/), [www.uzswlu.uz/](http://www.uzswlu.uz/), [www.universityofcalifornia.edu](http://www.universityofcalifornia.edu) ва бошқа манбалар асосида амалга оширилди.

Буюк Британия); ўқитувчилар, жумладан, чет тиллар бўйича педагоглар ва бошқа мутахассисларни тайёрлайдиган таълим муассасалари борасида касбий стандартлар қабул қилинган (the National Council for Accreditation of Teacher Education, АҚШ); инглиз тили мутахассислик предметларидан ахборот-коммуникацион технологиялари асосида виртуал ресурслар яратиш ва ўқув жараёнига жорий этиш бўйича илғор методлари таълим тизимида устувор йўналишлар сифатида тадқиқ этилган (Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети).

Дунёда хорижий тиллар бўйича педагоглар касбий компетентлигини ривожлантириш бўйича қатор, жумладан, қуйидаги асосий йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: ўқув жараёнига интерфаол, ностандарт таълим технологияларини самарали қўллаш орқали семинар-тренинг курслари сифат даражасини ошириш; электрон ахборот-методик таъминот тизими қамров даражасини ошириш орқали хорижий тил мутахассисларининг мустақил таълим олиш имкониятларини кенгайтириш; хорижий тиллар бўйича касбий компетентликни ривожлантиришнинг меъёрий-ҳуқуқий ва илмий-услубий асосларини такомиллаштириш; хорижий тилларнинг лингво-методик асосларини пухта ўзлаштириш; педагоглар касбий компетентлигини ривожлантиришга хизмат қилувчи ахборот-методик таъминот тизимининг самарадорлигини аниқлаш; педагогларни узлуксиз лингво-методик тайёргарлигини оширишда интеграцион ва табақалашган бирликлардан фойдаланиш; ҳамкорликдаги ўқув фаолиятига асосланган инновацион таълим технологияларини ишлаб чиқиш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Таълим тизимида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш бўйича илмий изланишлар қатор тадқиқотларда амалга оширилган. Жумладан, таълимда компьютер технологияларидан фойдаланишнинг илмий-назарий масалалари ва педагогларнинг касбий компетентлигини шакллантириш муаммоларига бағишланган тадқиқотлар А.А.Андреев, Н.Г.Арзамасцева, И.Бим, Ю.Б.Варадин, Т.Г.Везиров, Б.С.Гершунский, А.П.Ершов, Э.Ф.Зеер, И.А.Зимняя, В.А.Сластенин, Г.С.Сухобская, А.В.Хуторский ва бошқа олимлар томонидан олиб борилган.

Республика таълим тизимида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишга доир тадқиқотлар А.Х.Абдуллаев, А.А.Абдуқодиров, Н.Н.Азизходжаева, М.Арипов, Ш.С.Ахраров, У.Ш.Бегимкулов, Р.Х.Джураев, Н.А.Муслимов, Т.С.Назарова, Н.И.Тайлақов, В.Д.Ширшов, С.С.Ғуломов, У.Ю.Юлдашев ва бошқа олимлар томонидан амалга оширилган.

Мустақиллик йилларида Л.Ахмедова Г.Боқиева, Ж.Жалолов, Ҳ.Орзикулов, Д.Тешабаева Б.Турдикулов, Т.Холматов каби мамлакатимиз олимлари чет тилларни ўқитиш ва унинг илмий-назарий муаммоларига бағишланган илмий изланишларни муваффақиятли амалга оширдилар.

Бироқ, олиб борилган илмий тадқиқотларда мутахассислиги чет тиллари бўлмаган педагоглар, хусусан ҳарбий педагогларнинг хорижий тиллар бўйича касбий компетентлигини ривожлантириш имкониятлари ҳақидаги масалалар етарлича ўрганилмаган. Назарий манбалар мазмуни билан

танишиш, ҳарбий педагогларнинг хорижий тиллар бўйича билим, малака ва кўникмаларини ошириш жараёнларини ўрганиш, малака ошириш таълим муассасаларида уларнинг касбий маҳоратларини ошириш бўйича фаолиятини ўрганиш ва таҳлил этиш. Бунда ҳарбий педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнлари сифатини ошириш ва такомиллаштириш муаммосининг долзарблиги, замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан педагог кадрлар малака оширишида фойдаланиш етарлича илмий асосланмаганлиги ҳамда педагогик жиҳатдан тўлиқ тадқиқ қилинмаганлиги бир қатор ечимини кутаётган муаммоларнинг манбаи бўлиб қолаётганлигини кўрсатади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ № И-204-4-5 «Инглиз тили мутахассислик предметларидан ахборот-коммуникацион технологиялари асосида виртуал ресурслар яратиш ва ўқув жараёнига жорий этиш» мавзусидаги инновацион лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** хорижий тиллар бўйича ҳарбий педагоглар касбий компетентлигини ривожлантиришнинг илмий-услубий асосларини такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

педагоглар касбий компетентлигини ривожлантиришнинг назарий-услубий асосларини тадқиқ қилиш, «компетенция», «компетентлик», «касбий компетентлик» ва «педагогик компетентлик» атамалари тўғрисида хорижий ва маҳаллий олимлар томонидан берилган тушунчаларни гуруҳлаш ва тизимлаштириш;

педагоглар касбий компетентлигини оширишда инновацион ёндашувларга доир хорижий тажрибаларни таҳлил қилиш орқали хорижий тиллар бўйича педагоглар касбий компетентлигини ривожлантириш механизмларини такомиллаштириш йўллари аниқлаш;

хорижий тиллар бўйича ҳарбий педагоглар касбий компетентлигини оширишнинг ахборот-методик тизими дастурий платформасини ишлаб чиқиш;

педагоглар касбий компетентлигини ривожлантиришда ахборот-методик таъминот тизимининг ресурслари таркиби ва ундан фойдаланиш амалиётини такомиллаштириш;

ҳарбий педагоглар касбий компетентлигини ривожлантиришга хизмат қилувчи ахборот-методик таъминот тизимининг ўзига хос хусусиятлари ва самарадорлигини аниқлаш;

хорижий тиллар бўйича ҳарбий педагоглар касбий компетентлигини ривожлантиришнинг меъёрий-ҳуқуқий ва илмий-услубий асосларини такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.



**Тадқиқотнинг объекти** сифатида хорижий тиллар бўйича ҳарбий педагоглар касбий компетентлигини ривожлантириш жараёни олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** хорижий тиллар бўйича ҳарбий педагоглар касбий компетентлигини ривожлантириш жараёнининг мазмуни, шакли ва ахборот-методик таъминоти тизими ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда математик статистика, моделлаштириш (лойиҳалаш), педагогик кузатиш, тажриба-синов, социометрик (тест, сўровлар ўтказиш, суҳбат), тизимли таҳлил, умумлаштириш ва эксперт баҳолаш усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

ҳарбий педагогларнинг хорижий тилларни билиш даражасини белгиловчи ички (таълим жараёнида) ва ташқи (яқуний) баҳолаш мониторинги тингловчиларнинг статистик қаторларда фойдаланган ўзлаштириш кўрсаткичлари тақсимотини Пирсон мезонига тенглаштириш орқали такомиллаштирилган;

ҳарбий педагогларнинг ахборот-методик таъминот ресурсларидан фойдаланиб хорижий тиллар бўйича касбий компетентлигини ривожлантиришга асосланган мустақил таълим жараёнларини ташкил этишнинг беш босқичи (бошланғич, ўрта, ўртадан юқори, юқори ва энг юқори даражаларга эга бўлиш) педагоглар малака оширишининг муқобил усули сифатида таклиф этилган;

ҳарбий педагогларнинг хорижий тиллар бўйича социолингвистик компетенциясини ривожлантирувчи мотивацион, интеллектуал ва эмоционал аспектлари уларнинг касбий компетенциясига интеграцияси самарадорлиги рефлексив ўқув ресурсларини оптималлаштириш орқали исботланган;

ҳарбий педагогларнинг хорижий тиллар бўйича тайёргарлик даражасига қўйиладиган талабларга социолингвистик компетенция нуқтаи назардан дифференциал ёндашув асосида босқичма-босқич B1, B1+ билим даража кўрсаткичларини B2 даража билан биргаликда қўллашнинг самарадорлиги асосланган;

назорат ва тажриба гуруҳлари тингловчиларининг инглиз тилини ўзлаштириш кўрсаткичлари орасидаги дифференциал тафовут (7,2%)ни аниқлаш орқали тингловчиларнинг хорижий тиллар бўйича касбий компетентлигини оширишда мустақил таълимнинг самарадорлиги далилланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** қуйидагилардан иборат:

ҳарбий педагогларнинг хорижий тиллар бўйича мустақил таълим олиш (self-learning) имконияти ҳамда ўзлаштирган билим ва қўникмаларини онлайн баҳолашнинг такомиллаштирилган тизими асосида «Инглиз тилини ўрганиш бўйича амалий ўқув курси» дастурий таъминоти яратилган;

ҳарбий педагогларнинг хорижий тилларни масофавий таълим технологиялари ёрдамида ўзлаштириш даражасини баҳолаш тартиби бошланғич (elementary), ўрта (intermediate), ўртадан юқори (upper-intermediate) ва юқори (advanced) даражаларда босқичма-босқич қўллаш асосида олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг

малакасини ошириш ва мазкур жараёнларни тартибга солиш тизими такомиллаштирилган;

ҳарбий педагогларнинг хорижий тиллар бўйича социолингвистик малакасини оширишда уларнинг мотивацион (motivation), интеллектуал (intellectual) ва эмоционал-иродавий (emotional) салоҳиятини касбий компетенциясига интеграция қилиш асосида олий, ўрта махсус таълим муассасаларида таълим жараёнини яхшилаш ҳамда педагог кадрларнинг касбий маҳорат ва малакасини ошириш тизими такомиллаштирилган;

ҳарбий педагогларнинг хорижий тиллар бўйича тайёргарлик даражасига кўйиладиган талабларга социолингвистик компетенция нуқтаи назардан дифференцияли (табақали) ёндашган ҳолда В2 даража кўрсаткичи билан биргаликда В1, В1+ даража кўрсаткичларини қўллашга тааллуқли таклифлар асосида олий таълим муассасалари «Мутахассислиги чет тили бўлмаган профессор-ўқитувчиларини чет (инглиз, немис, француз, ва испан) тиллари бўйича билим, кўникма ва малакаларини шакллантириш минимал талаблари» тайёрланган;

таълимнинг ҳар бир босқичи учун ишлаб чиқилган мезонлар асосида ҳарбий педагогларнинг хорижий тилларни билиш даражасини ички ва ташқи баҳолаш механизмлари «менторлик» методик тизимини инобатга олган ҳолда таълим сифати натижаларини узлуксиз мониторинг қилиш механизми таклиф этилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган ёндашувлар ва усуллар, улар доирасида фойдаланилган назарий ёндашувларнинг расмий манбалардан олинганлиги, ўтказилган ижтимоий сўровларнинг анкета ва эксперт сўров шаклларига асосланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли идоралар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти инглиз тилини ўқитишда компетенцияга оид тушунчалар таҳлил қилинганлиги, лингвистик ва социолингвистик компетенцияларни ривожлантиришга оид назариялар аниқланганлиги, белгиланган компетенцияларни ривожлантириш бўйича лингводидактик, психологик, методик, онлайн таълимга оид принциплар ажратиб кўрсатилганлиги, хусусан ҳарбий таълим муассасаларида педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш таълим жараёнлари мазмунини ўқув-услубий жиҳатдан такомиллаштирилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малака ошириш курслари ўқув режа, дастурларини такомиллаштириш ва замонавий ёндашув асосида «Амалий хорижий тилни ўрганишнинг интенсив усуллари» модули мазмунини ўқув методик-таъминот асосида бойитишга, мутахассислиги чет тил бўлмаган педагогларда хорижий тиллар бўйича касбий компетентликни ривожлантиришга қаратилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларнинг жорий қилиниши.** Хорижий тиллар бўйича ҳарбий педагоглар касбий компетентлигини ривожлантиришнинг илмий-услубий асосларини такомиллаштириш бўйича олинган илмий таклиф ва амалий тавсиялар асосида:

ҳарбий педагогларнинг хорижий тиллар бўйича мустақил таълим олиш (self-learning) имконияти ҳамда ўзлаштирган билим ва кўникмаларини онлайн баҳолаш тизимини такомиллаштириш бўйича таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 июндаги ПҚ-4375-сон «Ўсмирларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси қуролли кучлари ва давлат хизмати учун кадрлар захирасини тайёрлаш тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган 2-иловаси, «Раҳбар ва педагогик таркиблар тайёргарлиги ва малакасини ошириш» бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қўмондонлигининг 2019 йил 18 декабрдаги 18/12-сон маълумотномаси). Натижада ҳарбий таълим муассасалари учун хорижий тиллар бўйича ўқув ишлаб чиқилган ўқув режа ва фан дастури, ўқув-услубий ресурслар ҳарбий таълим муассасалари педагогик кадрлари малакасини ошириш жараёнини самарали ташкил этишга хизмат қилган;

ҳарбий педагогларнинг хорижий тилларни масофавий таълим технологиялари ёрдамида ўзлаштириш даражасини баҳолаш тартиби бошланғич (elementary), ўрта (intermediate), ўртадан юқори (upper-intermediate) ва юқори (advanced) даражаларда босқичма-босқич қўллаш бўйича таклифлар Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрь 797-сон «Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган «Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш жараёнларини ташкил этиш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг 2-иловасига доир меъёрий ҳужжатларни тайёрлашда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 12 июндаги 89-03-2034-сон маълумотномаси). Натижада олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш жараёнларини сифатли ташкил этишга эришилган;

ҳарбий педагогларнинг хорижий тиллар бўйича социолингвистик компетенциясини оширишда уларнинг мотивацион (motivation), интеллектуал (intellectual) ва эмоционал-иродавий (emotional) салоҳиятини касбий компетенциясига интеграция қилиш асосида такомиллаштиришга доир таклифларидан Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 3 декабрь 351-сон «Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари бошқарув кадрлари захирасини мақсадли ўқитишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган «Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг бошқарув кадрлари захирасини мақсадли ўқитиш курсларини ташкил этиш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг 1-иловасига доир меъёрий ҳужжатларни тайёрланишида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус

таълим вазирлигининг 2020 йил 12 июндаги 89-03-2034-сон маълумотномаси). Натижада тақлифлар олий, ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими муассасалари ўқув-тарбия жараёнини такомиллаштириш ва бошқарув кадрларининг касбий маҳорат ва малакасини оширишга хизмат қилган;

ҳарбий педагогларнинг хорижий тиллар бўйича тайёргарлик даражасига қўйиладиган талабларга социолингвистик компетенция нуқтаи назардан дифференцион (табақали) ёндашган ҳолда В2 даража кўрсаткичи билан биргаликда В1, В1+ даража кўрсаткичларини қўллашнинг асосланган тақлифлари ҳарбий таълим муассасаларида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қўмондонлигининг 2019 йил 18 декабрдаги 18/12-сон маълумотномаси). Натижада ҳарбий олий таълим муассасаларида «Амалий хорижий тил» курси бўйича таълим жараёни сифатини оширишга эришилган;

таълимнинг ҳар бир босқичи учун ишлаб чиқилган мезонлар асосида такомиллаштирилган ҳарбий педагогларнинг хорижий тилларни билиш даражасини ички ва ташқи баҳолаш механизмлари “менторлик” методик тизимини қўллаш бўйича тақлифларидан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2014 йил 17 июлдаги 281-сон буйруғи билан тасдиқланган «Олий таълим муассасаларининг мутахассислиги чет тили бўлмаган профессор-ўқитувчиларини чет (инглиз, немис, француз, ва испан) тиллари бўйича билим, кўникма ва малакаларини шакллантириш минимал талаблари»ни тайёрланишида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 12 июндаги 89-03-2034-сон маълумотномаси). Натижада тақлифларнинг жорий қилиниши олий таълим муассасалари педагог кадрларининг чет тил бўйича билим ва кўникмаларини шакллантириш механизмининг такомиллаштиришга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Тадқиқот мавзуси бўйича 1 та монография нашр қилинган, илмий журналларда 20 та мақола (улардан 5 таси хорижий нашрларда) ҳамда халқаро ва республика илмий-амалий конференциялар материаллари таркибида 9 та маъруза тезиси чоп этилган. Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигидан 1 та муаллифлик гувоҳномаси олинган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация кириш, тўртта боб, 246 саҳифа матн, 6 та расм, 2 та жадвал, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ёритилган, ишнинг мақсад ва вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети аниқланган, тадқиқот

усуллари, диссертациянинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончилиги, илмий ва амалий аҳамияти асослаб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги, эълон қилинганлиги, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **«Хорижий тиллар бўйича ҳарбий педагоглар касбий компетентлигини ривожлантиришнинг назарий-услубий асослари»** деб номланган биринчи бобида педагоглар касбий компетентлигини ривожлантириш муаммоларига бағишланган кўплаб тадқиқотларнинг назарий таҳлили амалга оширилган.

Ўрганилган маълумотларга кўра, компетентлик – бу инсоний сифатлар, компетенция бўлса – инсоннинг ўз ваколати доирасида эгаллаши керак бўлган барча вазифаларидир. Психологик-педагогик адабиётлар таҳлили, «компетенция», «компетентлик» тушунчаларини аниқлаш масаласи кўплаб хорижлик ва ватанимиз олимлари: (Дж.Равен, В.Байденко, И.Зимняя, Ю.Татур, А.Хуторская, Н.Хомский, Н.Муслимов ва бошқ.) томонидан ўрганилган.

Ушбу тушунчалар тўғрисидаги дастлабки фикрлар Буюк Британиялик машҳур психолог олим Джон Равен томонидан илгари сурилган бўлиб, у компетентликнинг хусусиятлари тўпламини ягона бир тизимга бирлаштиради ҳамда компетентликлар ҳам интеллектуал, ҳам эмоционал хусусият касб этган ҳолда улар ўзаро алмашинувчанлик характерини «мотивациялашган қобилиятлар» асосида намоён қилишини таъкидлайди.

Мазкур тушунчаларнинг турлича талқин этилиш ҳолати Н.Хомский ва И.Зимняянинг ишларида ҳам кўриб чиқилган бўлиб, улар компетенция (ўз тилини гапириш ва тинглаш орқали билиш) ва уни ишлатиш (аниқ вазиятларда тилни қўллаш) ўртасида фарқланишлар мажудлиги ҳамда фақат идеал ҳолатларда ишлатиш (қўллаш) компетенциянинг бевосита ифодаси (акси) эканлигини таъкидлаганлар.

Олиб борилган илмий изланишлар давомида «компетентлик» ва «компетенция» тушунчаларининг мазмун-моҳияти ўрганилар экан, ушбу тушунчаларнинг айнан ўхшаш, ўзаро боғлиқ бўлган тушунчалар сифатида қўлланилиши ҳамда бир қатор хусусиятлари билан фарқланишини қайд этиш мумкин. Тадқиқот давомида «компетенция», «компетентлик», «касбий компетентлик», «педагогик компетентлик» тушунчаларига хорижий ва мамлакатимиз олимлари томонидан берилган таърифлар тизимлаштирилди.

Педагогларда хорижий тиллар бўйича касбий компетентликни ривожлантириш ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, у таълим муассасалари моддий техника базасидан бошлаб, тили ўрганилаётган халқ маданиятини ўрганиш ва ушбу тилда доимий мулоқотда бўлиб туриш шарт-шароитларига бевосита боғлиқ бўлади ҳамда бошқа йўналишдаги педагоглар касбий компетентлигини ошириш масалаларидан фарқ қилади. Айниқса, мазкур муаммони ҳал этишда муҳим аҳамиятга эга бўлган замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг ўрни беқиёс. Шу боис, педагог кадрлар ўз фаолиятларида ушбу технологияни қўллаш асосида маълумотлар устида

ишлаш, таҳлил қилиш, улардан фойдаланиш бўйича маълум билим, кўникма ва малакага, яъни компетентликка эга бўлишлари лозим.

Хорижий тиллар (инглиз тили)ни ўзлаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари ва бунда ахборот-методик таъминот тизимининг аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда, «Хорижий тиллар бўйича педагогнинг касбий компетентлиги – унинг хорижий тиллар бўйича касбий билим, кўникма ва малакаси, шахсий сифатлари, педагогик фаолиятда мақсад ва вазифаларни белгилаш, педагогик фаолият дастурини ишлаб чиқиш, қарор қабул қилиш, замонавий ахборот ҳамда педагогик технологияларни қўллай олиш каби профессионал тайёргарлигини белгиловчи кўрсаткичдир» – деган, таъриф берилди.

Шунингдек, тадқиқот давомида педагоглар касбий компетентлиги муаммоларини ҳал этишда хорижий давлатларнинг мазкур жараёни амалга ошириш ва ривожлантириш механизмларини ўзаро мувофиқлигини таъминлаш борасидаги ҳамда уларнинг ушбу йўналишлар бўйича олиб бораётган илмий-тадқиқот ишларига доир илғор тажрибаларидан мамлакатимизда фойдаланиш, хорижлик мутахассисларнинг педагогларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курслари таълим жараёнларига жалб этилишининг мақсадга мувофиқлиги асосланди.

Диссертациянинг **«Харбий педагоглар касбий компетентлигини ривожлантириш ахборот-методик таъминотини ишлаб чиқишнинг илмий-услубий жиҳатлари»** деб номланган диссертациянинг иккинчи бобида тадқиқот натижалари асосида педагогларнинг хорижий тиллар бўйича касбий компетентлигини ривожлантириш жараёнларини ташкил этишда ахборот-коммуникация технологияларининг ўрни ва аҳамияти, мазкур жараёнларни лойиҳалаштириш масалалари ёритилди ҳамда педагогларда касбий компетентликни ривожлантириш бўйича ахборот-методик таъминот тизими ишлаб чиқилди.

Ушбу тизимга Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети мутахассислари ва муаллиф томонидан ишлаб чиқилган ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазири буйруғи билан тасдиқланган «Олий таълим муассасаларининг мутахассислиги чет тиллар бўлмаган профессор-ўқитувчиларини чет (инглиз, немис, француз ва испан) тиллар бўйича билим, кўникма ва малакаларини шакллантириш дастури (минимал талаблар)» асос қилиб олинди.<sup>3</sup>

Мазкур дастур Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 8 майдаги «Узлуксиз таълим тизимининг чет тиллар бўйича давлат таълим стандартини тасдиқлаш тўғрисида»ги 124-сон қарори ижроси юзасидан ишлаб чиқилган бўлиб, профессор-ўқитувчиларнинг чет тиллар бўйича билим даражаси «Чет тилларини эгаллашнинг умумевропа компетенциялари: ўрганиш, ўқитиш ва баҳолаш» (CEFR) тизимининг B2 даражасини эгаллашни кўзда тутди.

---

<sup>3</sup>Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълими вазирлигининг 2014 йил 17 июлдаги 281-сонли буйруғи.


Ҳарбий педагогларда хорижий тиллар (инглиз тили) бўйича касбий компетентликни узлуксиз оширишга хизмат қилувчи тизимдан ахборотларни яратиш, сақлаш ва узатиш мақсадларида фойдаланилади ва бундан мақсад – хорижий тиллар бўйича таълимнинг ягона ахборот-методик таъминотини яратиш орқали ҳарбий педагогларнинг мустақил таълимни ташкил этишдан иборат. Ахборот-методик таъминот ресурсларидан фойдаланиб педагогларнинг хорижий тиллар бўйича касбий компетентлигини ривожлантиришга асосланган мустақил таълим жараёнларини ташкил этиш қуйидаги босқичлардан иборат бўлиши таклиф этилади (1-расм).



1-расм. Ҳарбий педагоглар мустақил таълим жараёнини ташкил этиш босқичлари<sup>4</sup>

Ахборот-методик таъминот ресурсларидан фойдаланиб, қайта тайёрлаш ва малака ошириш курслари таълим жараёнида тингловчиларнинг «Амалий хорижий тилни ўрганишнинг интенсив усуллари» модули бўйича билим ва кўникмалари баҳоланади. Малака ошириш жараёни марказида тингловчининг мустақил билим олиш фаолияти туради, яъни мустақил таълим – малака оширишнинг муқобил усули сифатида амалга оширилади.

Интернет тармоғи орқали олинган ахборотлар асосида тингловчилар таълим жараёнида ўқитувчининг педагогик методлари ёрдамидагина уларни қайта ишлаши, ҳамкорликда лойиҳалар яратишда қатнашиши, ўз фикр ва мулоҳазаларини ифода қилишлари мумкин. Мазкур методик воситалар ва ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш инглиз тилини ўзлаштиришни янада осонлаштиради (2-расм).



2-расм. Малака оширишда мустақил таълим жараёнини ташкил этиш шакллари<sup>5</sup>

<sup>4</sup>Муаллиф ишланмаси

<sup>5</sup>Муаллиф ишланмаси

Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб, инглиз тилини ўрганишнинг турли босқичларда технологик жараёнларни уйғунликда амалга ошириш муҳим саналади. Бунинг учун турли хилдаги моделлаштиришлардан самарали фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Тадқиқот давомида моделлаштириш натижаларини таҳлил қилиш «ҳамкорликда ўрганиш» («Cooperative Learning») технологияси бўйича ишлаш яхши самара бериши аниқланди.

Ахборот-коммуникация технологиялари воситасида тингловчиларнинг инглиз тилида мулоқот қилиш кўникма ва малакаларини ҳосил қилиш мақсадида махсус гуруҳга «Глобал иқлим ўзгариши оқибатлари» муаммосини ўрганиш таклиф қилинди.

Тингловчилар глобал муаммо объекти сифатида Орол денгизи ва Оролбўйи билан боғлиқ экологик муаммога оид мавзунини танлашди. «Оролни асрайлик» лойиҳаси видеомунозара шаклида уюштирилди. Унга кўра, турли гуруҳ вакиллари Оролбўйидаги экологик муаммоларнинг ечими ва бу борадаги қарашларини билдиришди. Видеомунозара жараёнида табиатни муҳофаза қилиш идораларига ўрганилган муаммоларнинг ечимлари акс этган тавсиялар тайёрланди. Мазкур натижаларни инобатга олиб, лойиҳалаш методи таълим жараёнида долзарб ва у мулоқот йўналишини ривожлантиради, деган хулосага келинди.

Тадқиқотнинг навбатдаги босқичида «Амалий хорижий тилни ўрганишнинг интенсив усуллари» модули доирасида тингловчиларнинг таълимда эришган натижалари ва машғулотларнинг ташкил этилишини баҳолаш учун турли кўрсаткичларни ўз ичига олган сўровнома ишлаб чиқилди. Ушбу метод билан тингловчиларнинг хорижий тиллар бўйича дастлабки ва курс якунидаги билим даражаларини аниқлаш, курс давомида уларнинг чет тилини ўзлаштиришлари, мазкур тилни ўрганишга бўлган қизиқишларини ривожлантириш билан боғлиқ жараёнларни таҳлил қилиш, мазкур жараёнда таълим сифати ва самарадорлигини оширишга хизмат қилувчи механизмлардан фойдаланиш бўйича йўриқномаларни ишлаб чиқиш кўзда тутилган.

Ахборот-методик таъминот платформасида ушбу тизимдан фойдаланиш бўйича тушунтиришлар йўриқнома тарзида берилган. Тингловчи ушбу йўриқнома билан танишиш орқали ахборот-методик таъминот ресурсларидан қандай фойдаланиш ва қай тарзда амалга оширилишини билиб олади. Шунингдек, тингловчи инглиз тили фани асосларини чуқур ўрганиши учун зарур бўлган меъёрий ҳужжатлар, электрон шаклдаги инглиз тили ўқитиш методикаси бўйича ўқув-услубий мажмуалар, намунавий дастур, маъруза, семинар ва амалий машғулотларнинг мазмуни, фаннинг ўқув-услубий таъминоти ҳамда бошқа ўқув материаллари электрон кутубхона шаклида тизимлаштирилган.

Тадқиқот доирасида ўзлаштиришнинг электрон мониторинг тизими яратилди ва бу тингловчиларнинг фанлар бўйича билим ва малакаларини турли мезонлар ва ёндашувларга таяниб аниқлаш, мазкур жараёнларга



ахборот технологияларини қўллаш, уларни қўйилган дидактик талабларга мослигини назорат қилиш имкониятини беради.

Диссертациянинг учинчи боби «**Хорижий тиллар бўйича касбий компетентликни ривожлантиришнинг ахборот-методик тизими**» деб номланиб, унда ҳарбий педагогларнинг хорижий тиллар бўйича компетентлигини ривожлантиришга хизмат қилувчи электрон ахборот таълими муҳитини яратиш ва унинг мазмун-моҳиятига қўйиладиган талаблар асосида ишлаб чиқилиши асослаб берилди.

Ахборот-методик таъминотдан фойдаланиб ҳарбий педагоглар мустақил таълимни ташкил этиш мазмунига кўра, бир неча дидактик вазифаларни бажариш имкониятларини беради, масалан: таълимнинг интерфаол хусусияти асосида ҳарбий педагогларнинг фикрлаш қобилиятлари янада ривожлантирилади ва ўқув материалларини ўзлаштириш сифат ва самарадорлиги оширилади; аниқ бир ҳолатларда тасвирлаш ва намойиш қилиниши мураккаб ёки қийин бўлган жараёнларни моделлаштириш орқали кузатиш имкониятини яратади; ўқув материалларининг билиб, ўзлаштириб олиниши нафақат даражасига кўра, балки тингловчи эришган мантикий фикрлаши ва қабул қилиш даражасига кўра ҳам янада самарали бўлишини таъминлайди; мавжуд бўлган анъанавий ҳамда масофавий таълим ўқув-услубий таъминотининг ўзаро самарали интеграциясини амалга оширади; ҳарбий педагогларда мустақил изланиш йўли билан материалларни излаб топиш, ўрганиш ҳамда муаммоли масалаларни ечиш орқали уларда маълум тадқиқот ишларини бажариш малака ва кўникмаларини шакллантиради; ҳарбий педагогларнинг малака ошириш ишларини бажаришда, докторлик диссертацияларини тайёрлашда, ўқув материаллари билан мустақил танишиш, танлаб олиш, ахборот ҳамда маълумотларни таҳлил эта олиш каби малака ва кўникмалар шаклланиши учун шароит яратади.

Ахборот-методик таъминот ва унинг ресурслар таркиби олий таълимни замонавий модулли таълим тизимида тингловчиларнинг мустақил таълим олишини ташкил этишга қаратилган. «Амалий хорижий тилни ўрганишнинг интенсив усуллари» модули бўйича машғулотларга ажратилган вақт давомида тингловчиларга инглиз тилини ўрганиш бўйича умумий йўналишлар берилади, холос.

Шу сабабли, ушбу курсни ўзлаштириш учун педагог ўз устида мустақил равишда етарлича вақт мобайнида ишлаши талаб этилади ва бу педагогдан хорижий тилни ўрганиш мақсадида кўплаб адабиётлар, Интернет маълумотлари ва бошқа манбалардан фойдаланишини тақазо этади. Ушбу жараёни мумкин қадар енгиллаштириш мақсадида интернет алоқа тизими афзалликлари асосида ҳарбий олий таълим муассасаларининг педагог кадрлари учун яратилган электрон ахборот-методик таъминот тизимидан фойдаланиш самарали натижалар беради, деб ҳисоблаймиз. Ушбу ахборот-методик таъминот платформасининг таркиби қуйидаги ахборот-таълим ресурсларидан ташкил топган (3-расм).



**3-расм. Ахборот-методик таъминот тизими таркибий тузилмаси<sup>6</sup>**

Мавжуд электрон ресурслар фойдаланувчилар учун ҳарбий педагог кадрлар тайёрлаш мазмунига қўйиладиган талабларга жавоб бериши, ахборот ва кўргазмалилик таъминланганлиги билан ҳарбий педагоглар мустақил таълим олишининг самарадорлигини, касбий тайёргарлик даражасини оширишга, билимларни мустаҳкамлашга хизмат қилади. Электрон ресурсларда тасаввурни кенгайтиришга, жараёнларни моделлаштиришга қаратилган анимацияли ҳаракатларнинг берилиши, курслардаги тушунчаларни ёритишда гипермуурожаатларнинг қўлланиши асосий тушунчаларни мустаҳкам шакллантириш имкониятини беради.

Тадқиқот доирасида ўзлаштиришнинг электрон мониторинги тизими яратилди. Замонавий таълим тизимида ўқитишнинг сифатини ташхис қилиш асосида унинг ҳолатини аниқлаш, ўқув жараёнларини самарали бошқариш, таълим мақсадига эришиш даражасини аниқлаш долзарб масалалар қаторига киради. Ҳарбий педагогларнинг фанлар бўйича билим ва малакаларини таълим жараёнида турли мезонлар ва ёндашувларга таяниб аниқлаш, бу жараёнларга ахборот технологияларини қўллаш, уларнинг қўйилган дидактик талабларга мослиги ҳақиқийлигини назорат қилиш мумкин. Бунда педагогик ташхис, педагоглар билим, малака ва кўникмаларининг шаклланиш даражасини аниқлаш, назорат қилиш, баҳолаш, йиғиш ва статистик маълумотлар таҳлили ҳамда келгусида бу жараён ривожини башорат қилишни ўз ичига олади.

Мазкур вазифалардан келиб чиқиб, ҳарбий педагог кадрлар мустақил таълимини ташкил этиш орқали хорижий тиллар (инглиз тили) бўйича касбий компетентлигини ривожлантиришга хизмат қилувчи ахборот-методик таъминот электрон тизими ишлаб чиқилди. Электрон тизимнинг биринчи қисмида ўқитиладиган модул юзасидан барча маълумотлар (электрон дарслик, қўлланма, ўқув-услубий мажмуа ва қўшимча манбалар) жой олган. Ҳарбий педагоглар курс мазмунини шу қисмда жойлаштирилган ресурслар асосида ўрганади. Бу қисмдаги барча материалларни сервердан юклаб олиб,

<sup>6</sup>Муаллиф ишланмаси


фойдаланиш мумкин. Тизимнинг иккинчи қисми назорат қисми бўлиб, унда тегишли курс бўйича назорат топшириқлари ва тест саволлари жойлашган.

Диссертациянинг тўртинчи боби «**Ахборот-методик таъминот тизимидан фойдаланишга доир тажриба-синов ишлари**» деб номланган бўлиб, тадқиқотнинг тажриба-синов базаси сифатида Бош илмий-методик марказ, Тошкент ахборот-технологиялари университети, Тошкент давлат педагогика университети, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ҳамда Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти хузуридаги ҳарбий педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш таълим муассасалари танлаб олинган.

Олий таълим муассасаларининг ҳарбий педагог кадрларига «Амалий хорижий тилни ўрганишнинг интенсив усуллари» модули бўйича ахборот-коммуникация технологиялари воситасида инглиз тилини ўқитишнинг самарадорлигини аниқлаш мақсадида 10 нафар тажрибали, малкали педагог кадрлардан иборат экспертлар иштирокида машғулотларни кузатиш орқали анкета сўровлари ўтказилди.

Амалга оширилган анкета сўровлари натижаларига кўра, машғулот самарадорлигини аниқлашга доир барча меъзонлар бўйича кўрсаткичлар назорат гуруҳларига нисбатан тажриба гуруҳларида юқори бўлганлиги аниқланди (4-расм).

Шунингдек, тажриба-синов ишларида ҳар бир тингловчининг машғулот давомида инглиз тили бўйича эгаллаган билимларини ассисмент натижалари ва курс якунида ўтказилган тест синовлари натижалари орқали аниқлаш имкониятларидан фойдаланилди. Тадқиқот доирасида тажриба-синов ишлари ўтказилган таълим муассасаларидаги тажриба ва назорат гуруҳлари сони 20 тадан жами 40 та бўлиб, улардаги тингловчилар сони мос равишда 407 нафар ва 412 нафарни ташкил этди.




4-расм. Педагогик тажриба-синов ишларида анкета сўров натижалари<sup>7</sup>

Олиб борилган ўрганишлар тажриба гуруҳларида таълим жараёни ахборот-методик таълим ресурсларидан фойдаланган ҳолда, назорат гуруҳларида эса, анъанавий усуллардан фойдаланган ҳолда ташкил этилди.

Назорат гуруҳларида тингловчиларнинг инглиз тилини ўзлаштириш кўрсаткичлари таҳлили шуни кўрсатдики, тингловчилар аксарият қисмининг тилни “ўртача” ўзлаштириш даражалари 47-49 фоиз оралиқни ташкил этди.


<sup>7</sup>Муаллиф ишланмаси

Тингловчиларнинг 27-28 фоизи “яхши” ва 11-14 фоиз “юқори” натижаларни кайд этишди (5-расм).



**5-расм. Назорат гуруҳлари тингловчиларининг ўзлаштириш кўрсаткичлари**<sup>8</sup>

Тажриба гуруҳларида тингловчиларнинг инглиз тилини ўзлаштириш кўрсаткичлари таҳлили назорат гуруҳларига нисбатан юқори бўлганлигини кўрсатди. Тажриба гуруҳларида тингловчиларнинг тилни “ўртача” ўзлаштириш даражалари 31-33 фоиз, “яхши” кўрсаткич 34-37 фоиз ҳамда “юқори” натижалар 28-29 фоизни ташкил этганлиги аниқланди (6-расм).



**6-расм. Тажриба гуруҳлари тингловчиларининг ўзлаштириш кўрсаткичлари**<sup>9</sup>

